

Informatika o`qitish metodikasi

5110700 - Informatika ўқитиш методикаси - умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари учун информатика ва ахборот технологиялари бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

5110700 – Informatika ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

4.1 Бакалаврнинг касбий фаолият соҳаси

5110700 – Informatika ўқитиш методикаси – умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари учун информатика ва ахборот технологиялари бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

4.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

5110700 – Informatika ўқитиш методикаси таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўқувчилар, ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари, математик усуллар.

4.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

5110700 – Informatika ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр ўз психологик-педагогик, касбий тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбга оид фаолият турлари:

- ўқитувчилик;
- тарбиячилик;
- ўқув-методик;
- илмий-тадқиқот.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

4.4 Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари

5110700 – Информатика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва махсус тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни ечиши керак:

- **ўқитувчилик:** умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида информатика ва ахборот технологиялари ўқитувчиси бўлиб ишлаш;

- **тарбиячилик:** умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

- **ўқув-методик:** мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

илмий-тадқиқот муассасаларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш ва бошқалар.